

ТАЪМИНОТ ЖАРАЁНИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Утегенова С. Т.

Қорақалпоқ давлат университети


Жаҳон иқтисодиётида рақобат муҳитининг кескинлашуви, глобал таъминот занжирларининг мураккаблашуви ҳамда ресурслар нархининг ўзгарувчанлиги шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида таъминот жараёни стратегик аҳамият касб этмоқда. Таъминот жараёни корхона ишлаб чиқариш циклининг бошланғич босқичи бўлиб, моддий ресурсларни режалаштириш, етказиб берувчиларни танлаш, шартномалар тузиш, товарларни қабул қилиш, омборга жойлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш каби ўзаро боғлиқ операцияларни ўз ичига олади. Мазкур жараёндаги ҳар қандай камчилик ёки назоратнинг етарли эмаслиги ишлаб чиқариш узилишларига, молиявий йўқотишларга ва репутацион рискларга олиб келиши мумкин.

Таъминот жараёни иқтисодий мазмунига кўра корхона харажатларининг катта қисмини шакллантиради. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарида моддий харажатлар умумий харажатлар таркибида юқори улушни эгаллайди. Шу боис таъминот жараёнидаги ҳар бир операциянинг иқтисодий асосланганлиги, бозор нархларига мувофиқлиги ва шартнома шартларига риоя қилиниши аудит текширувнинг муҳим объекти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, таъминот жараёни аудитини ташкил қилиш масаласи илмий-амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади. Аудит нафақат қонунчиликка мувофиқликни текшириш, шунингдек, ХАС 300, ХАС 315, ХАС 500, ХАС 520, ХАС 540, ХАС 550 ва ХАС 570 халыаро аудит стандартлари асосида аудит ўтказилиши, мижоз корхона маъмуриятининг ресурслардан оқилона фойдаланиши, ички назорат тизимини баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича асосли тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини ҳам бажаради. Таъминот жараёни аудити асосан “Supply Chain Audit”, “Procurement Audit”, “Supplier Audit” номлари билан илмий мақолаларда ўрганилган[1]. Abdelkader Daghfous ва Taiser Zoubi олимлар таъминот занжири аудитини билимлар бошқаруви ва таъминот занжири бошқаруви билан боғлиқ ҳолда ўрганган. Улар таъминот аудити ташкилотнинг таъминот тизими самарадорлигини баҳолаш, билимлар алмашинувини яхшилаш ва таъминот жараёнларининг тайёргарлик даражасини баҳолаш учун муҳим инструмент эканлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, таъминот аудити: таъминот жараёни самарадорлигини баҳолайди, таъминот тизимидаги камчиликларни аниқлайди ва таъминот занжири барқарорлигини таъминлаши айтилган[2]. Cezarina Afteni, Viorel Paunoiu, Gabriel Frumusanu лар таъминот занжирида етказиб берувчиларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва аудит қилиш масалаларини ўрганган. Уларнинг тадқиқотларига кўра, етказиб берувчилар аудити таъминот занжири самарадорлигини таъминлаш ва сифат талабларига риоя этилишини назорат қилишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади[3]. Hui Chen ва Debra Jeterlar замонавий бошқарув ҳисобида таъминот занжири бошқаруви (SCM) ва ундаги ахборот оқимлари марказий ўринни эгаллайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, занжир иштирокчилари ўртасидаги самарали ахборот алмашинуви нафақат операцион мувофиқликни, балки стратегик устунликни ҳам таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқот бошқарув ҳисобининг икки муҳим ёналиши — таъминот занжири самарадорлиги ва аудит функциясининг стратегик қийматини ўзаро боғ'лайди. Мамлакатимиз олимларидан А. А. Каримов, Р. Д. Дусмуратов, А. К. Ибрагимов, Н. Ф. Каримов, И. Н. Қўзиев, Ш. И. Илхамов, Н. Ш. Хажимуратов, М.М. Тўлаходжаева, А. З. Авлақулов, Н. Ш. Абдиева, К. Б. Ахмеджанов, Б. К. Ҳамдамов, С. Н. Ташназаровларнинг тадқиқот ишларида таъминот жараёни аудитига доир маълумотлар келтирилган.

Таъминот жараёни аудити – бу харид ва логистика операцияларининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлигини текширишга қаратилган мустақил баҳолаш жараёнидир.

Аудитни амалга оширишда International Federation of Accountants томонидан ишлаб чиқилган International Auditing and Assurance Standards Board стандартлари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Таъминот жараёнида аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

**1-расм. Таъминот жараёнида аудитнинг асосий вазифалари**

ХАС 300 стандарт асосида харид режаларининг асосланганлигини баҳолаш вазифаси таъминот жараёнининг бошланғич босқичида ресурсларга бўлган эҳтиёж қай даражада аниқ ва иқтисодий жиҳатдан асосланган тарзда шакллантирилганини текширишни назарда тутди. Аудитор харид режаларини ишлаб чиқариш дастури, бюджет кўрсаткичлари, омбордаги қолдиқлар ва аввалги давр сарф-харажатлари билан солиштиради. Режалаштиришда ортиқча ёки асоссиз харидлар мавжуд эмаслиги, эҳтиёж нормалари тўғри белгилангани ва молиявий имкониятлар билан мувофиқлиги таҳлил қилинади. Шунингдек, харид режаси

стратегик мақсадларга мос келиши ва корхонанинг умумий ривожланиш концепцияси билан уйғун бўлиши ҳам муҳим мезон ҳисобланади.

Тендер ва шартнома жараёнларининг шаффофлигини текшириш вазифасида кўринча бюджет ташкилотларида бўладиган харид жараёнида очиқлик, рақобат ва қонунийлик тамойилларига риоя этилган-этилмаганини баҳолашни қамраб олади. Аудитор тендер эълонлари, иштирокчилар таклифлари, баҳолаш мезонлари ва танлов натижаларини таҳлил қилади. Жараёнда манфаатлар тўқнашуви, асосиз чекловлар ёки белгиланган тартибдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги ўрганилади. Шартномаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилиши, шарт шартларининг аниқ ва бажарилиши мумкин бўлган тарзда белгиланиши ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Шаффофлик даражаси юқори бўлган харид жараёни коррупцион рискларни камайтиради ва иқтисодий самарадорликни оширади.

Босқич	Аудиторлик ҳаракатлари	Назорат объекти	Самарадорлик индикатори
Режалаштириш	Риск таҳлили, дастур тузиш	Харид сиёсати	Рисклар қамрови (%)
Далил йиғиш	Хужжат таҳлили, интервью	Шартномалар, ҳисоб-фактуралар	Хатолар аниқланиш коэффициенти
Таҳлил	Солиштирма таҳлил	Бозор нархи, реал харажат	Фарқ (%)
Хулоса	Аудиторлик ҳисоботи	Ички назорат тизими	Тавсиялар ижроси (%)

1-жадвал. Таъминот жараёни аудитининг босқичлари


Таъминот жараёни аудитида режалаштириш босқичи ХАС 315 асосида рискка йўналтирилган ёндашувга асосланади ва харид операцияларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни талаб қилади. Бу босқичда аудитор корхонанинг харид сиёсати, бюджет кўрсаткичлари, омбор қолдиқлари, етказиб берувчилар билан муносабатлар тарихи ва шартнома амалиётини ўрганади. Таъминот жараёни одатда катта ҳажмдаги операциялар ва турли контрагентлар билан боғлиқ бўлгани сабабли, рисклар даражаси юқори бўлиши мумкин. Шунинг учун режалаштиришда нарх рисклари, манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли, товарларни қабул қилиш жараёнидаги назорат камчиликлари каби омиллар алоҳида таҳлил қилинади. Аудит дастури айнан ушбу жараёнга хос операциялар ва ҳужжат айланмасини қамраб оладиган тарзда шакллантирилади.

Таъминот жараёнида далил йиғиш босқичи кўп манбали ва комплекс характерга эга бўлади. Аудитор харид буюртмалари, тендер ҳужжатлари, шартномалар, ҳисоб-фактуралар, товар-транспорт ҳужжатлари, қабул қилиш далолатномалари ва омбор ҳисоб маълумотларини ўзаро солиштиради. Бу босқичда операцияларнинг реаллиги ва ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларнинг ишончлилиги текширилади. Таъминот жараёнида моддий қийматликларнинг жисмоний мавжудлиги муҳим бўлгани учун кузатув ва инвентаризация усуллари алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳолати, аванс тўловлари ва етказиб бериш муддатларига риоя этилиши ҳам текширилади. Далилларнинг етарли ва холис бўлиши таъминот операцияларида яширин рискларни аниқлаш имконини беради.

Таҳлил босқичида таъминот жараёнига хос молиявий ва норухсат кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Аудитор харид нархларини бозор нархлари билан таққослайди, транспорт ва логистика харажатларининг динамикасини таҳлил қилади, бюджетдан оғишларни аниқлайди. Шунингдек, етказиб бериш муддатлари ва ишлаб чиқариш узилишлари ўртасидаги боғлиқлик ҳам баҳоланади. Таъминот жараёнида таҳлил фақат харажатларни текшириш билан чекланмай, балки ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, захира айланиш тезлигини ва омбор қолдиқларининг оптимал даражасини аниқлашни ҳам ўз ичига олади. Бу босқичда аниқланган фарқлар ва камчиликларнинг сабаб-оқибат алоқалари чуқур таҳлил қилинади.

Таъминот жараёни ХАС 700 асосида аудитининг хулоса босқичи аниқланган камчиликлар ва рискларни умумлаштириш, уларнинг молиявий таъсирини баҳолаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан характерланади. Бу босқичда аудитор ички назорат тизимининг самарадорлиги, харид жараёнларининг шаффофлиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги бўйича яқуний фикр билдирилади. Таъминот жараёнида аниқланган муаммолар кўп ҳолларда тизимли характерга эга бўлгани учун, хулосада фақат фактларни қайд этиш эмас, балки жараёни такомиллаштиришга қаратилган стратегик таклифлар бериш муҳим ҳисобланади. Жумладан, электрон харид платформаларини жорий этиш, автоматлаштирилган омбор ҳисоби тизимини кучайтириш ва ички мониторинг механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар келтирилиши мумкин. Шу тариқа, хулоса босқичи бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборот манбаи вазифасини бажаради.

Таъминот жараёнида қуйидаги рисклар кенг тарқалган:



4-расм. Таъминот жараёнида учрайдиган асосий рисклар

ХАС 315 асосида рискларни бартараф этиш учун ички аудит хизмати ва комплаенс назоратини кучайтириш зарур. Нархларни сунъий ошириш таъминот жараёнида энг кўп учрайдиган молиявий рисклардан бири ҳисобланади. Бу ҳолатда товар ёки хизматлар бозор қийматидан юқори нархда харид қилинади. Сабабларига бозор таҳлилининг етарли даражада ўтказилмаслиги, рақобат муҳитининг чекланганлиги, манфаатлар тўқнашуви ёки коррупцион омиллар киради. Нархларни сунъий ошириш корхона харажатларининг асоссиз кўпайишига, фойданинг камайишига ва молиявий натижаларнинг салбий ўзгаришига олиб келади. Аудит нуктаи назаридан бу рискни аниқлаш учун бозор нархлари билан солиштириш, муқобил таклифларни таҳлил қилиш ва тендер жараёнларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Сохта етказиб берувчи риск ҳолатида харид жараёнида ҳақиқий фаолият юритмайдиган ёки расмий рўйхатдан ўтмаган контрагент иштирок этади. Баъзан бундай етказиб берувчилар фақат ҳужжатларда мавжуд бўлиб, амалда товар етказиб берилмайди ёки паст сифатли маҳсулот тақдим этилади. Бу ҳолат молиявий маблағларнинг ноқонуний ўзлаштирилишига ва активларнинг йўқотилишига сабаб бўлади. Ушбу рискни камайитириш учун контрагентларнинг ҳуқуқий мақоми, молиявий барқарорлиги ва иш фаолияти тарихи текширилиши лозим. Due diligence жараёнларининг самарали ташкил этилиши бу каби хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Камомад моддий қийматликларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи билан бухгалтерия ҳисобидаги кўрсаткичлар ўртасида фарқ мавжуд бўлган ҳолатни англатади. У моддий бойликларнинг йўқолиши, талон-торож қилиниши, нотўғри ҳисоб юритилиши ёки сақлаш шароитларининг талабга жавоб бермаслиги натижасида юзага келиши мумкин. Камомад корхона активларининг қисқаришига ва молиявий натижаларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бу рискни аниқлаш учун мунтазам инвентаризация ўтказиш, омбор назоратини кучайтириш ва моддий жавобгар шахслар масъулиятини белгилаш муҳим ҳисобланади. Ҳужжат хатолари таъминот жараёнидаги расмийлаштириш камчиликлари билан боғлиқ риск ҳисобланади. Бу хатолар арифметик ноаниқликлар, реквизитларнинг нотўғри тўлдирилиши, шартнома шартларининг ноаниқ ифодаланиши ёки ҳужжатларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилмаслиги кўринишида намоён бўлади. Бундай ҳолатлар молиявий ҳисоботда нотўғри маълумотлар шаклланишига ва солиқ ёки ҳуқуқий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳужжат хатоларини бартараф этиш учун ҳужжат айланмаси тартибини такомиллаштириш, автоматлаштирилган ҳисоб тизимларидан фойдаланиш ва ички назорат механизмларини кучайтириш зарур.

Шартнома бузилиши риск ҳолатида етказиб берувчи ёки харидор томонидан шартнома шартларига тўлиқ риоя этилмайди. Масалан, товар ўз вақтида етказиб берилмаслиги, сифат талабларига жавоб бермаслиги ёки тўлов шартларининг бузилиши мумкин. Бу ҳолат ишлаб чиқариш жараёнида узилишларга, молиявий жарималарга ва суд низоларига олиб келади. Аудиторлик нуктаи назаридан шартнома шартларининг аниқ ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузилганлиги, уларнинг ижроси мунтазам мониторинг қилинаётгани ва жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этади. Шартномавий интизомни таъминлаш корхона фаолияти барқарорлигини мустаҳкамлайди. Таъминот жараёни аудитини самарали ташкил этиш корхоналарда молиявий интизомни мустаҳкамлайди, харажатларни оптималлаштиради ва ички назорат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Аудитни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш, рискка йўналтирилган ёндашувни қўллаш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш таъминот жараёни самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Илмий жиҳатдан асосланган аудит методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш корхоналарнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Таъминот жараёни аудитини самарали ташкил этиш корхоналарда молиявий интизомни мустаҳкамлайди, харажатларни оптималлаштиради ва ички назорат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Аудитни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш, рискка йўналтирилган ёндашувни қўллаш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш таъминот жараёни самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Булыга Р.П., Мельник М.В. Аудит бизнеса. Практика и проблемы развития. Монография. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. 264 стр.
2. Daghfous, A., & Zoubi, T. (2017). An Auditing Framework for Knowledge-Enabled Supply Chain Management: Implications for Sustainability. *Sustainability*, 9(5), 791. <https://doi.org/10.3390/su9050791>
3. EVALUATION, MONITORING AND AUDITING OF SUPPLIERS IN SUPPLY CHAIN MANAGEMENT// Cezarina Afteni, Viorel Paunoiu, Gabriel-Radu Frumusanu, Mitica Afteni International Journal of Manufacturing Economics and Management ISSN 2784-1278 ISSN-L 2784-1278, Vol. I, No. 2 / 2021 <https://doi.org/10.54684/ijmem.2021.1>.
4. Hui Chen and Debra Jeter 5 Journal of Contemporary Accounting & Economics Vol4, No I (June 2008)

Аннотация. Мазкур мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларда жараёни аудитини ташкил этишнинг назарий-методологик асослари ёритилган. Таъминот жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш, рискларни аниқлаш, аудит дастурини шакллантириш ва далилларни йиғиш усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, халқаро аудит стандартлари асосида самарали аудитни амалга ошириш босқичлари кенг ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: таъминот, харид жараёни, аудит, ички назорат, риск, логистика, комплаенс.

Аннотация. В статье освещены теоретико-методологические основы организации аудита процесса снабжения в хозяйствующих субъектах. В процессе обеспечения проанализированы методы оценки системы внутреннего контроля, выявления рисков, формирования программы аудита и сбора доказательств. Также показаны этапы осуществления эффективного аудита на основе международных стандартов аудита.

Ключевые слова: снабжение, процесс закупок, аудит, внутренний контроль, риск, логистика, комплаенс.

Abstract. This article analyzes the theoretical and methodological foundations of organizing the audit of the supply process in business entities. The methods of assessing the internal control system, identifying risks, forming an audit program, and collecting

evidence in the process of provision are analyzed. Also, the stages of effective audit based on international audit standards and the possibilities of using digital technologies are shown.

Key words: supply, procurement process, audit, internal control, risk, logistics, compliance.
